

Ўзбекистон Республикаси Президенти амалий ташриф билан Туркменистонда бўлади



Бугун, 29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи бўлиб ўтади.

Ташриф дастурида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан икки томонлама учрашув ўтказилиши кўзда тутилган.

Музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорлик ва минтақавий шерикликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Давлат раҳбарлари Туркменистон етакчисининг отаси Маликгули Бердимухамедов хотирасига бағишланган тадбирларда иштирок этадилар.

Манба